

**ФАРҒОНА ЖАМОАТ САЛОМАТЛИГИ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.04/30.09.2020.Тиб.122.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ОРИПОВА ОЗОДА ОЛИМОВНА

**КАРДИОМИОПАТИЯЛАР УЧРАШ ДАРАЖАСИ,
ХАВФЛИ ОМИЛЛАРИ ВА ПАТОЛОГИК АНАТОМИЯСИ**

14.00.15- патологик анатомия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Орипова Озода Олимовна

Кардиомиопатиялар учраш даражаси,
хавфли омиллари ва патологик анатомияси..... 3

Орипова Озода Олимовна

Распространенность, факторы риска
и патологическая анатомия кардиомиопатий..... 29

Oripova Ozoda Olimovna

Prevalence, risk factors and pathological
anatomy of cardiomyopathies 53

Еълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 58

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида Б 2021.1. PhD /Тиб 1836 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд Давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.bsmi.uz) ва «Ziyonet» ахборот таълим портали www.ziyonet.uz манзиллагига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Исроилов Ражаб Исроилович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Маҳкамов Носиржон Жўраевич
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Элиева Мехринисо Фахритдинова
тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори, PhD

Йетакчи ташкилот:

Тожикистон Республикаси тиббиёт соҳасидаги дипломдан кейинги таълим институти

Диссертация ҳимояси Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институти ҳузуридаги Илмий даража берувчи PhD 04/30.09.2020.Тиб.122.01 рақамли илмий кенгашнинг 2025 йил «19» 04 соат 13⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 150100, Фарғона шаҳри, Янги Турон кўчаси, 2-а уй. Тел: (+99895) 400-01-14, факс (99873) 245-59-07 e-mail: info@fjsti.uz).

Диссертация билан Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (279 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 150100, Фарғона шаҳри, Янги Турон кўчаси, 2а-уй. Тел: (+99895) 400-01-14, /факс(99873) 245-59-07 e-mail: info@fjsti.uz).

Диссертация автореферати 2025 йил «10» 04 да тарқатилди.
(2025 йил «10» 04 даги 16 рақамли реестр байонномаси).



А.А.Сидиков
Илмий даража берувчи Илмий Кенгаш
фанлари доктори,
профессор

С.А.Шакиров
Илмий даража берувчи Илмий Кенгаш
кошиби, тиббиёт фанлари бўйича
фалсафа доктори, PhD

Ш.И.Рўзиев
Илмий даража берувчи Илмий Кенгаш
кошидаги Илмий Семинар раиси, тиббиёт
фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотатсияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Охирги йилларда ЖССТ маълумотлари бўйича ва эпидемиологик тадқиқотларда кўрсатилишича, юрак-қон томир тизими касалликлари иқтисодий ривожланган давлатларда доминантлигича қолмоқда. Кардиомиопатиялар (КМП) оғир кечиши, кўп сонли ҳаёт учун хавфли асоратлари билан юрак-қон томир касалликларининг муҳим бир қисмини ташкил қилмоқда (Карафиатова Л., Пика Т. ва бошқ., 2017; Юан С.М., 2018). Гипертрофик КМП ирсий йўл билан ўтувчи, асосан чап қоринча гипертрофияси билан давом этувчи, ўртача 500 одамдан 1 тасида учрайдиган касаллик ҳисобланади (Ковалевская Е.А., 2019; Вехлер Р.К., 2009; Бриелер Ж., ва бошқ., 2017). Дилатацион КМП Бутун жаҳон аҳолиси орасида ўртача 100 мингтада 3-10 та учрайди. Аёлларга нисбатан эркаклар кўпроқ касалланади. Бу касалликнинг этиологияси турлича, улардан 20-30% ни ген омиллари ташкил қилади. ДКМП клиник-морфологик жиҳатдан турлича бўлиб, унинг учраш даражаси 2500:1 ҳисобланади. У инфекцион, токсик, аутоиммун, феохромотситома, метаболик, эндокрин ва идиопатик сабаблар асосида ривожланиши мумкин (Алайева Е.Н., 2015; Мейерс Д.Е. ва бошқ., 2013). Алкоголли КМП долзарблиги бошқа турларга нисбатан кўп учраши, юракнинг бошқа касалликлари билан бирга ривожланиши, аксарият ҳолларда тўсатдан ўлимга олиб келиши билан белгиланади. Сурункали алкоголизмга учраган касалларнинг 15% да алкоголли КМП учраганлиги ва уларнинг 18% тасодифий ўлиши тасдиқланган (Ю Ж., 2019; Сарвалҳо М.В.Ҳ. ва бошқ., 2019). Перипортал КМПнинг учраш даражаси географик жиҳатдан ҳар хил бўлиб қолмоқда, жумладан: АҚШ да 1149-4350 та туғилган чақалоқларга 1 та ҳолат тўғри келади, Японияда 6000 тага 1 та, Жанубий Ҳиндистонда 1374га 1 та, Жанубий Африка давлатларидан Нигерияда 100 тага 1 та тўғри келади. Бошқа ривожланган давлатларда бу касалликнинг кам учраши этник гуруҳларга, ҳомиладорларга қаратилган эътиборга, туғруқ ва туғруқдан кейинги даврнинг яхши ўтишига боғлиқ (Боузерда А., 2016; Коениг Т. ва бошқ., 2018). Перипортал КМП этиопатогенези мураккаблигича қолмоқда, яъни унинг ривожланишидаги миокардит, пролактин тизими, селен етишмовчилиги, ген омиллари ва ҳомиладорликдаги гемодинамик стресс каби омилларнинг ўрни охиригача ўрганилмасдан қолмоқда (Бҳаттачарйя А. ва бошқ., 2012).

КМП касаллиги кам ўрганилганлиги, амалиётда кам учраганлиги, унинг учраш даражаси тўлиқ баҳоланмаганлиги, диагностик мезонлари оддий кўринганлиги сабабли, ушбу касалликни ҳар томонлама ўрганиш долзарб муаммо ҳисобланади. Ушбу касалликнинг сабаблари, хавфли омиллари, патогенези ва морфогенези бир қатор олимлар томонидан ўрганилганлиги билан, айрим турларининг туб ривожланиш механизми тўлиқ очилмаганлигича қолмоқда (Муеллер К.А.Л. ва бошқ., 2017).

Ҳозирги кунда мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини тубдан яхшилаш ва хизмат кўрсатиш турларини сезиларли

кенгайтириш бўйича кенг кўламли мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ҳозирги вақтда, «...2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясига кўра, мамлакат аҳолисига тиббий ёрдам кўрсатилишини янада яхшилаш кўзда тутилмоқда..¹».

Ҳозирги вақтда, ечимини кутаётган асосий вазифалардан бири – юрак-қон томир тизими касалликлари билан оғриган беморларга тиббий ёрдам кўрсатишнинг барча босқичларида ўз вақтида ташхисот, замонавий технологияларнинг қўлланишини кенгайтириш ҳисобига юқори малакали, сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш ҳисобланади, бу аҳолининг турли қатламларида ҳаёт сифатини ошириш имконини берган.

Ушбу диссертация тадқиқоти маълум даражада, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 – февралдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” ПФ- 4947 – сонли фармони, 2017 йилнинг 20 июндаги “Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора – тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3071 – сонли қарори, 2018 йил 7 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора – тадбирлар тўғрисида”ги ПФ – 5590- сонли фармони, шунингдек, ушбу соҳада қабул қилинган бошқа меъёрий-ҳужжатларда белгиланган вазифаларнинг бажарилишига хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.

Кардиомиопатия - бу юрак миокардининг бирламчи шикастланиши бўлиб, яллиғланиш, ўсма, ишемияга боғлиқ бўлмаган ўзига хос кардиомегалия, оғирлашиб борувчи юрак етишмовчилиги ва аритмия билан намоён бўлади. Миокарднинг идиопатик (келиб чиқиши номаълум) касаллиги ҳисобланиб, унинг асосида кардиомиоцитларда дистрофик ва склеротик ўзгаришлар ривожланиши ётади. Шунинг учун кардиомиопатияда доимо юрак қоринчалари функцияси бузилади. Бирламчи кардиомиопатиялар сабаблари ҳозирги кунгача ўрганилмаган. Эҳтимолли сабаблар қуйидагилар бўлиши мумкин: Коксаки, герпес, грипп, коронавирус ва бошқа вирусли инфекциялар, наслий омиллар, ўтказилган миокардитлар, кардиомиоцитларнинг захарлар ва аллергенлар билан шикастланиши, эндокрин бошқарув бузилиши, иммун тизим ишининг бузилиши, ЮИК, гипертония касаллиги, васкулитлар, симптоматик артериал гипертензия,

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йилнинг 20 июндаги “Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора – тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3071 – сонли қарори

бириктирувчи тўқиманинг аутоиммун касалликлари, миокардит, миокардиодистрофия ва бошқа патологик ҳолатларда ривожланган миокарднинг шикастланиши, асосий касалликдан келиб чиққан иккиламчи кардиомиопатиялар ҳисобланади. Бирламчи кардиомиопатиянинг қуйидаги турлари фарқ қилинади: дилатацион, гипертрофик, рестриктив ва аритмоген (Гудкова А.Я., 2018; Арбустини Э., ва бошқ., 2014). Бундан ташқари, кардиомиопатиялар айрим географик ҳудудларда учрашига, миокарднинг морфологик жиҳатдан ўзгаришига қараб, номланиши ўзгариши мумкин, масалан: африка кардиомиопатияси, бу кўпроқ Африка қитъасида учрайди; димланишли кардиомиопатия, бунда юрак бўшлиқлари дилатацияланиб, қон димланади; конструктив кардиомиопатия – субендокардиал фиброз ҳисобига юрак бўшлиқлари девори кенгайиши бузилади; облитератсияланган кардиомиопатия – қопқоқларга ёндош тромблар пайдо бўлишидан юрак бўшлиқлари ҳажмининг кичиклашиши; оилавий кардиомиопатия – бир оила аъзоларида учрайдиган, 10-20 ёшларда ривожланиб, ҳушдан кетиш, ҳансираш, кўкрак юрак соҳасида пулсация, аритмия билан намоён бўладиган, аутосомал-доминант типдаги касаллик ҳисобланади (Чарлес Ж. ва бошқ., 2014; Вехлер Р.К. ва бошқ., 2009). Кардиомиопатиялар клиник-морфологик белгилари бўйича қуйидаги турларда учрайди: дилатацион, гипертрофик, рестриктив, перипортал, алкоғолли. Дилатацион кардиомиопатия (ДКМП) юрак бўшлиқларининг сезиларли даражада кенгайиши, миокарднинг гипертрофияси ва қисқарувчанлигининг пасайиши билан таърифланади. Бу белгилар 30-35 ёшдан бошланади. Ушбу касаллик ниҳоятда кенг тарқалган, учраш даражаси 2500:1 га етади, юрак етишмовчилиги сифатида энг кўп ўлимга олиб келади. Аёллар ва эркекларда учраш даражаси 1:5 нисбатни ташкил қилади. Морфологик жиҳатдан ДКМП эксцентрик гипертрофия ва юрак бўшлиқларининг дилатацияси билан намоён бўлади. Одатда юракнинг чап қисми зарарланади, наслий формасида эса 1,7% ҳолларда ўнг қоринча ўзгаради. Гистологик жиҳатдан тарқоқ ҳолда склероз борлиги, кардиомиоцитларнинг гидропик дистрофияси, яллиғланиш белгилари йўқ. 50% ҳолларда кардиомиоцитларнинг атрофияси аниқланади. Ядролари ҳар хил катталиққа ва шаклга эга, митохондрийлар матрикси калсинозланган. Агар касаллик миокардитдан кейин ривожланган бўлса, яллиғланиш ўчоқлари топилади. ДКМПни миокардит билан таққослаб аниқланади, агар касаллик оилавий тусга эга бўлса генетик текширув ўтказилади (Ҳейманс С. ва бошқ., 2016; Муеллер К.А.Л., ва бошқ., 2017; Маисч Б, Алтер П., 2018).

Гипертрофик кардиомиопатия юрак бир қисмининг ёки тўлиқ барча жойининг диффуз гипертрофияси, қоринчалар бўшлиғи ҳажмининг торайиши билан намоён бўлади. ГКМП аслида аутосомал-доминант касаллик бўлиб, кўпроқ ҳар хил ёшдаги эркекларда учрайди. Гипертрофик кардиомиопатияда юрак қоринчалари девори миокардининг симметрик ёки асимметрик гипертрофияси билан давом этади. Баъзида ГКМПда қоринчалар оралиғи деворининг гипертрофияси кузатилади. Гипертрофик кардиомиопатия юрак қоринчаларида обструкция борлигига қараб, 2 формада

учрайди: обструктив ва нообструктив кардиомиопатия. Моорфологик жиҳатдан ГКМПда миокард мушак толаларининг нотўғри жойланиши, “майда коронар томирлар синдроми”, миокард гипертрофияланиши асосида фиброз ўчоқлари топилади.

Қоринчалар оралиғи девори 40 ммгача қалинлашади. ГКМПнинг 35-50% чап қоринчадан чиқувчи йўллар обструкцияси аниқланади. Қоринчалар оралиғи деворининг кучли гипертрофияланишидан митрал қопқоқча орқали қоннинг чиқиши қийинлашиб, Вентер эффектини пайдо қилади. Юрак чап қоринча етишмовчилиги, айрим ҳолларда юракнинг тотал ҳолда димланишли етишмовчилиги юз беради. Юрак ритмининг бузилиши, одатда қоринча экстрасистолияси, пароксизмал тахикардия ва кўпинча қоринча усти ритмининг бузилиши кузатилади. 30% касалларда шикоятлар бўлмайди, лекин тасодифий ўлим ёмон белги сифатида ўсмирликда юз бериши мумкин. ГКМП оқибати кўпинча ёмон, юрак етишмовчилигидан нобуд бўлиши мумкин. (Сухачева Т.В. ва бошқ., 2019; Шабанова А.Т. ва бошқ., 2020; Муеллер К.А.Л. ва бошқ., 2017).

Рестриктив кардиомиопатия - РКМП – миокард шикастланишининг кам учрайдиган тури бўлиб, эндокардда кучайиб борувчи фиброзланиш, қоринчаларнинг диастолик ҳолсизланиши ва миокард қисқарувчанлиги сақланган ҳолда юрак гемодинамикасининг бузилиши билан намоён бўлади. РКМП ривожланишида организмда кучли эозинофилия мавжудлиги ва кардиомиотцитларга токсик таъсир этишига боғлиқ. Оилавий касаллик кўринишида ҳам учрайди. Скелет мушакларининг миопатияси билан бирга ривожланади. Ҳозирги кунда генетик омиллардан саркомер оқсилнинг мутацияси, тропонин, миозиннинг енгил занжири мутацияси, амилоидоз, десминопатия, эластома, гемохроматоз, Андереола-Фабри касаллиги ва гликогеноз сабаб бўлади. (Вершинина Т.Л., ва бошқ., 2020; Гуо Р, Наир С., 2017; Камдар Ф, Гаррй ДЖ., 2016).

Алкоголли КМП. Ушбу турдаги КМП юракда алкогольнинг ўзига хос таъсиридан ривожланади. Асосий сабаби сурункали ҳолда алкоголь истеъмол қилиш, ҳар куни 100 млдан 10-20 йил давомида ичиб бориш. Юракка алкогольнинг метаболитлари, асосан ацеталдегид таъсир этиши. Метаболизмнинг бузилиши ва электролит мувозанатининг издан чиқиши аритмия ва юрак функционал фаоллигининг бузилишига олиб келади. Ацеталдегид бир қанча бирикмалар синтезини бузади ва яллиғланиш ситокинлари синтезини кучайтиради ва аутоиммун жараён ривожланишига олиб келади. Юрак вазни 500-550 гр.ни ташкил қилади ва ёғ босганлиги кузатилади. Секция столига юрак қўйилганда ёйилиб кетади, худди инфекцион миокардитга ўхшайди. Юрак қизил ёки бинафши рангли. Гистологик текширилганда мушак тутамлари қалинлашган ва мушаклар орасида бириктирувчи тўқима тутамлари кўп, ушбу КМПга хос белги бу оралиқ тўқиманинг шиши ҳисобига кенг, мушак толалари титилган. Ушбу касалликнинг клиник кечиши ҳар хил бўлган билан, миокард оралиқ тўқимаси доимо шишга учраган кўринишда бўлади. Кардиомиоцитларда ёғли

дистрофия аниқ кўринади. Табиий ҳолда юрак қатламларидаги периферик нерв толалар, мийелин пардасида дегенератив ўзгаришлар аниқланади. Алкоголли КМПнинг оқсил етишмаслиги шаклида доимо тимин етишмовчилиги кузатилади, натижада юрак доимо сўлиб қолгандай, бироз гипертрофияланган ва барча бўшлиқлари кенгайган кўринишда бўлади. Чап қоринча ички деворига ёпишган йирик тромблар борлиги аниқланади. Кардиомиопатиянинг кам учрайдиган нейропатик, перипортал, гистиотситар турлари мавжуд. (Зарди ЭМ, ва бошқ., 2010; Эллеуч Н, ва бошқ., 2020).

Диссертатсия тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертатсия тадқиқоти Самарқанд тиббиёт университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ, «Инсон ва тажриба ҳайвонлар организми ҳаёт фаолияти кўрсаткичларининг ҳар хил патологик омиллар таъсиридаги функционал, метаболик ва структур ўзгаришларнинг ўзига хослиги ва уларни коррекциялаш йўллари, ҳамда эксперт баҳолашнинг янги имкониятлари» [Давлат рақами: 005. 01.1500216]) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: Кардиомиопатия касаллиги турли шакллариининг аутопсия маълумотлари бўйича учраш даражаси, макроскопик ва микроскопик ўзгаришларини ойдинлаштириш.

Тадқиқот вазифалари: Касаллик тарихи ва аутопсия баённомасини таҳлил қилиш натижасида кардиомиопатияларнинг учраш даражасини ўрганиш;

дилатацион КМПда юракнинг макро- ва микроскопик ўзига хос ўзгаришларини ўрганиш;

гипертрофик КМПда юракнинг макро- ва микроскопик ўзига хос ўзгаришларини ойдинлаштириш;

алкоголли КМПда юракнинг макро- ва микроскопик ўзига хос ўзгаришларини ўрганиш;

перипортал КМПда юракнинг макро- ва микроскопик ўзига хос ўзгаришларини ўрганиш.

Тадқиқот объекти сифатида кардиомиопатиянинг ҳар хил шаклларидан жами 64 та, шулардан: 23 та дилатацион, 15 та гипертрофик, 3 та рестриктив, 1 та перипортал, 14 та алкоголли, 2 та дори-дармонли, 2 та постмиокардитли, 3 та метаболик, 1 та аутоиммун ҳолатларда юрак олинган.

Тадқиқотнинг предмети кардиомиопатия кўп учрайдиган турларининг аутопсия маълумотлари бўйича учраш даражаси, макроскопик ва микроскопик ўзгаришлари ҳақидаги маълумотларни такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг усуллари: клиник-анамнестик, морфологик, электрон микроскопик, морфометрик, гистологик ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Охирги 10 йиллик давомидаги 5642 та ретроспектив таҳлил натижалари бўйича аниқланган кардиомиопатияларнинг 74,8% ни эркак жинсли, 25,2%

ни аёл жинслилар ташкил этганлиги аниқланди. Шулардан 40-59 ёшлилар орасида 68,5% ни дилатацион кардиомиопатия (бирламчи), 21,5% ни алкоғолли кардиомиопатия, 1,7% ни перипортал кардиомиопатия, 6,8% ни постинфекцион кардиомиопатия, 1,5% ни идиопатик кардиомиопатиялар (иккиламчи) ташкил этганлиги аниқланди;

гипертрофик КМПда ултраструктур жиҳатдан, актин миозин комплекцининг кескин қалинлашганлиги, 3-чизиғи йўғонлашганлиги, морфологик жиҳатдан кардиомиоцитлар тутамининг кескин йириклашиши, макроскопик жиҳатдан миокарднинг қалинлашганлигининг ўзаро боғлиқлиги аниқланди;

алкоғолли КМП ултраструктур жиҳатдан митохондрияларнинг кескин камайиши ва ўрнида осмиофил липидли киритмаларни кўпайганлиги, 3-чизиқни зигзагсимон шаклга кириши, микроскопик жиҳатдан кардиомиоцитлар тутамларида йирик ёғли киритмаларнинг аниқланиши ва перикардиал склероз ўчоқлари, макроскопик жиҳатдан юрак қоринчаларининг кенгайиши ва субендокардиал йирик ёғ киритмалари ва фиброеластоз ўчоқлари учраши аниқланди;

перипортал КМП ултраструктур жиҳатдан актин миозин комплекцининг бўкиши, митохондрияларнинг вакуолизацияси, 3-чизиғини кескин осмиофил кўринишда бўлиши ва контрастли трайекториясини кескин бузилиши (ноаниқ ювилган чизиқ кўриниши), микроскопик жиҳатдан кардиомиоцит тутамларида гиалин томчили дистрофия ва оралиғида дағал ва сийрак толали бириктирувчи тўқиманинг кўпайиши, ораликда диапедез қон қуйилиш ўчоқлари, қоринчаларни овалсимон шаклда кенгайиши аниқланди.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти.

Кардиомиопатиялардан дилатацион, гипертрофик, алкоғолли ва перипортал турларининг кўп учраши ҳақидаги маълумотлар, уларни илмий-амалий жиҳатдан замонавий усулларда ўрганишни ва сабаблари, патогенези ва клиник-морфологик белгиларини таҳлил қилиш ҳам назарий, ҳам амалий аҳамият касб этади.

Дилатацион, гипертрофик, алкоғолли КМПнинг учраш даражаси, анатоми-топографик ва гистологик хос белгилари ҳақидаги маълумотлар ҳам клиник, ҳам патологоанатом врачлар амалиётида бу касалликларга тўғри ташхис қўйишда асосий фундаментал асос бўлиб хизмат қилади.

Перипортал КМП этиопатогенези ўрганилмаганлигини инобатга олиб, учраш даражаси, клиник-морфологик белгилари ҳақидаги маълумотлар таъбиат илмида янги бўлиб, акушер-гинекологлар иш фаолиятида бу касалликни эрта аниқлаш жараёнида катта аҳамиятга эга.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқот ишида қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган морфологик, морфометрик, гистологик ва статистик текширув усуллари асосида кардиомиопатияларнинг кўп учрайдиган турларининг

учраш даражаси, морфологик ва морфометрик ўзгаришларини ҳалқаро, ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқотнинг илмий аҳамияти тадқиқот натижаларидан турли хил этиология ва патогенезга эга бўлган кардиомиопатия шаклларини морфологик ташхислаш мезонларини яратиш, шунингдек, юрак қон айланишининг бузилиши қайд этилган беморларни стандартлаштирилган ҳолда текширишда қўллашга тавсия этилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти кардиомиопатия турли шаклларида морфологик текширувларни ташкиллаштириш ва ўтказишни такомиллаштиришга ёрдам беради. Шунингдек, даволаш-диагностика жараёни камчиликларини бартараф этиш ва олдини олиш бўйича амалий тавсияларини ишлаб чиқиш имконини беради. Тадқиқот натижаларининг назарий-фундаментал аҳамияти исботланган бўлиб, улардан кардиология, ички касалликлар, анатомия, гистология, патологик анатомия, суд тиббиёти ва бошқа морфологик фанлар бўйича маъруза ва амалий машғулотларда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Кардиомиопатияларда юрак қон томир тизимининг морфофункционал кўрсаткичларини баҳолаш бўйича олинган илмий натижаларга асосланиб: Тасдиқланган “Кардиомиопатиялар учраш даражаси, хавфли омиллари ва патологик анатомияси” мавзусида ишлаб чиқилган услубий тавсиянома Самарқанд Давлат тиббиёт университетининг 2022-йилдаги 24-августдаги 01-02/у-т- 2 хулосасига кўра (илмий янгиликни бошқа соғлиқни сақлаш муассаларига жорий этиш бўйича Самарқанд давлат тиббиёт университетининг 2024-йилдаги 15-январдаги 9743-сонли хати Соғлиқни сақлаш вазирлигига тақдим этилган):

Биринчи илмий янгилик: охирги 10 йилликда аутопсия текширувларига асосланган ҳолда, учраш даражаси бўйича 79,7% бирламчи, 20,3% иккиламчи эканлиги аниқланди ва бу ҳолат олинган маълумотларни баҳолаш ва келажақда проспектив прогнозини ёритишдан иборат. Олинган натижаларнинг амалиётга қўлланилиши ўз навбатида Ўзбекистон Республикаси Патологик анатомия маркази бўйича 2023-йилнинг 29-декабрдаги 58/1-сонли буйруғи билан, Сурхондарё вилояти Патологик анатомия бюросининг 2022-йилнинг 5-декабрдаги 44-сонли буйруғи билан амалиётга жорий этилган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: кардиомиопатияларнинг турли хил шакллари билан хасталанган беморларни яшовчанлик даражасини баҳолаш асосида, касалликдан кейин ривожланган оғир асорат ва ўлим кўрсаткичларининг саногенезини кучайиши ва танотогенез жараёнини қисқаришига олиб келганлиги исботланган. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: Кардиомиопатиялар билан хасталаниш

кўрсаткичини охириги 10 йилликда аҳоли орасида 2 баробаргача ошганлиги, 79,7% ни бирламчи, 20,3% ни иккиламчи кардиомиопатиялар ташкил этганлигини инобатга олиб, ташхислашда асосан, клиник анамнестик маълумотлар орқали бирламчи кардиомиопатияларни олдиндан прогноزلаш орқали, самарасиз даволаш усулидан воз кечиш ва асоратларни олдини олишга қаратилган даволаш орқали ўртача, ҳар бир беморнинг статсионар даврини ўртача 35% га қисқаришига эришилди. Бу эса, ҳар бир беморга давлат бюджетидан сарфланадиган суткалик 650 минг сўмлик сарф харажатни 3,185 млн. сўмга қисқаришига олиб келди. (Еслатиб ўтамиз, нархлар 2023-йил прејскуранти). Биз томондан таклиф этилган текширувга биноан 3,185 млн. сўмни бюджетдан ташқари иқтисод қилиш имконини беради.

Иккинчи илмий янгилик: кардиомиопатияларнинг хос ўзгаришлари бўйича, ҳар бир шаклининг морфологик, морфометрик ва органометрик хос жиҳатлари таққосланди, клиник морфологик жиҳатдан аниқланган синдромларнинг фенотипик гуруҳлари бўйича тўлиқ таҳлил натижалари ўрганилди. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши ўз навбатида Ўзбекистон Республикаси Патологик анатомия маркази бўйича 2023 йилнинг 29-декабрдаги 58/1-сонли буйруғи билан, Сурхондарё вилояти Патологик анатомия бюросининг 2022 йилнинг 5-декабрдаги 44-сонли буйруғи билан амалиётга жорий этилган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: кардиомиопатияларнинг дилатацион, гипертрофик, алкоғолли ва перипортал турларида ривожланган ўта оғир асоратлар ўрганилмасдан, қўллаб қувватловчи даволаш жараёни амалга оширилиб келинган ва юқори летал кўрсаткичлар билан давом этган, биз таклиф этган усуллардан кейин, айнан кардиомиопатияларнинг ҳар бир тури бўйича летал асоратларга олиб келувчи сабабларнинг бартараф этилиши натижасида ўлим кўрсаткичи 45% га камайтириш имконини берди. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: кардиомиопатияларнинг турли шакллариининг морфологик адаптация жиҳатларига эътибор қаратилган ҳолда, даволашни амалга ошириш имконини бериши, беморларни ортикча ташхислаш учун сарфланадиган ўртача 350 минг сўмни иқтисод қилиш имконини берган;

Учинчи илмий янгилик: кардиомиопатиянинг ҳар бир клиник морфологик турлари бўйича хос бўлган гистологик жиҳатлари орқали олинган маълумотлар ҳар турига хос ўзгаришларни олдиндан аниқлашга қаратилган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши ўз навбатида Ўзбекистон Республикаси Патологик анатомия маркази бўйича 2023 йилнинг 29-декабрдаги 58/1-сонли буйруғи билан, Сурхондарё вилояти Патологик анатомия бюросининг 2022 йилнинг 5-декабрдаги 44-сонли буйруғи билан амалиётга жорий этилган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: кардиомиопатияларнинг энг ко'п учрайдиган турлари бўйича ўрганилган гистологик жиҳатлар орқали, кардиомиопатиялар аниқланган беморларнинг меҳнатга лаёқатлилиқ ко'рсаткичини 45% га

сақлаб қолиш имконини берган. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: кардиомиопатиянинг турли шаклларида анъанавий даволаш учун сарфланадиган харажатларни, олдиндан ўрганилган гистологик хулосалар асосида, ҳар бир турида ўртача 400 минг сўмни тежалишига ва беморни статсионарда бўлиш муддатини 30% га қисқаришига (21 кунлик даволаш жараёни 6 суткага қисқарганлиги) олиб келган. Натижада, ҳар бир бемордан ўртача, 400 минг сўмни иқтисод қилинишига олиб келган;

Тўртинчи илмий янгилик: асосан ҳомиладор аёлларда кўп учрайдиган перипортал кардиомиопатияларнинг клиник морфологик жиҳатлари бўйича, ўтказувчи аёлларнинг тўсатдан фалажланиши, кардиомиотситлар етишмовчилиги айнан ҳомиладорликда кучаядиган жисмоний зўриқишларда ривожланадиган тўсатдан ўткир юрак ўлимини 30% га камайишига олиб келади. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши ўз навбатида Ўзбекистон Республикаси Патологик анатомия маркази бўйича 2023 йилнинг 29-декабрдаги 58/1-сонли буйруғи билан, Сурхондарё вилояти Патологик анатомия бюросининг 2022 йилнинг 5-декабрдаги 44-сонли буйруғи билан амалиётга жорий этилган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: аҳоли орасида ҳомиладор аёлларда номаълум сабабларга кўра ривожланадиган перипортал кардиомиопатияларни ҳомиладорликни биринчи уч ойлигида скрининг текширувини амалга ошириш орқали она бола муҳофазасини таъминлаш имконини беради. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: кардиомиопатияларни ҳомиладорликни биринчи уч ойлигида скрининг қилиш ва қон зардоби таҳлилидаги пролактин миқдорини ошиб кетиши назорат қилиш, ўртача перипортал кардиомиопатияни даволаш учун давлат бюджетидан сарфланадиган ўртача 4,8 млн. сўмни давлат бюджетидан тежаш имконини беради. Шу билан бирга энг асосийси она бола муҳофазаси таъминланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 10 та илмий-амалий анжуманларда муҳокома қилинган, жумладан, 5 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокомадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 5 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, 5 та жадвал, 22 та микроскопик расмлар сони, 6 та электрон микроскопик расмлар сони, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан (137 та) иборат. Диссертациянинг ҳажми 128 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертациянинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқот ишининг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологиялар ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Кардиомиопатия: сабаблари, патогенези, турлари, бирламчи ва иккиламчи турларининг морфогенези ва морфологик белгилари ҳақида замонавий маълумотлар таҳлили (адабиётлар таҳлили)» деб номланган биринчи бобида диссертация мавзуси бўйича адабиётлар шарҳи келтирилган. Маҳаллий ва хорижий олимларнинг энг замонавий илмий ютуқлари таҳлил қилинган. Сўнгги йилларда илмий манбаларда нашр этилган, кардиомиопатиялар ҳақидаги маълумотлар акс эттирилган адабиётлар шарҳи тақдим этилган. Мазкур муаммонинг ўз ечимини топмаган ва аниқлаштиришни талаб этадиган тамойиллари тўғрисидаги адабиётлар таҳлили берилган.

Диссертациянинг «**Кардиомиопатияларнинг клиник ва морфологик дифференциал диагностикаси жиҳатлари методикаси ва мониторинги бўйича клиник тавсифи ва тадқиқотнинг усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотда қўлланган материал ва усуллар ҳақида батафсил маълумотлар келтирилган.

2011-2020-йиллар давомида РПАМ аутопсия бўлимидан текширувдан ўтган 5642 та баённомалар кўриб чиқилди ва улардан бу даврда жами 64 та КМП аниқланди ва у жами аутопсияларнинг 1,13%, юрак- қон томир касалликларининг 4,7% ни ташкил қилди. Барча КМП ҳолатларининг 71,8% эркаклар, 28,2% аёллар бўлиб чиқди. Бунда КМП 40-59 ёшдаги эркакларда кўп учради. Бирламчи КМПлардан дилатацион тури кўпчиликти ташкил қилди, яъни 78,5% ни ташкил қилди, иккиламчиларидан алкоғолли КМП, 91% кўп бўлди. Биз ўрганган барча КМП ҳолатларини касаллар ёш гуруҳлари бўйича тақсимланиши ўрганилганда, 51,5% ни 40-49 ёшлилар, 20,3% ни 50-59 ёшлилар ташкил қилди. Бошқа ёш гуруҳларида КМПнинг учраши 1,6% дан 9,4% гача бўлиб чиқди (1-жадвал). Демак, хулоса қилиш мумкинки, КМП касаллиги аксарият ҳолларда ўрта ёшли, ишга қобилиятли инсонларда кўп учраши тасдиқланди.

1-жадвал

Ёш гуруҳлари бўйича КМПнинг тақсимланиш фоизлари

Йош гуруҳлари	≤ 19	20-29	30-39	40-49	50-59	60-69	70 ≤	Жами
Сони	2	6	5	33	13	4	1	64
Фоизи	3,1%	9,4%	7,8%	51,5%	20,3%	6,3%	1,6%	100%

КМП касалликларнинг клиник-анамнестик ва морфологик белгилари бўйича бирламчи ва иккиламчи турлари фарқ қилинди. Бирламчи турларига дунёдаги мавжуд ва Бутун жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг таснифи бўйича дилатацион, гипертрофик ва рестриктив шакллари киради. Бизнинг материалimizда уларнинг учраш кўрсаткичлари қуйидагича бўлиб чиқди:

Жами бирламчи КМПлар 51тани ташкил қилди, уларнинг шакллари бўйича тақсимланиши қуйидагича:

Дилатацион КМП – 23 (56,1%)

Гипертрофик КМП – 15 (36,6%)

Рестриктив КМП – 3 (7,3%)

Иккиламчи КМП шакллари бўйича қуйидагича тақсимланди:

Перипортал КМП – 1 (7,7%)

Алкоголли КМП – 14 (30,7%)

Дори-дармонли КМП – 2 (15,4%)

Постмиокардитли КМП – 2 (15,4%)

Метаболик – 3 (23,1%)

Аутоиммун – 1 (7,7%)

Бирламчи ва иккиламчи КМПларнинг касаллар ёш гуруҳлари бўйича учраш даражаси қуйидаги 2-жадвалда келтирилган. Бирламчи КМПлар орасида учраш даражаси кўплиги тифайли 40-49 ва 50-59 ёшли инсонлар бўлиб чиқди. Уларда барча бирламчи КМП ларнинг 78,5% учраганлиги кузатилди. Бошқа ёш гуруҳларида 3,9% дан 7,8% гача учраганлиги аниқланди.

2-жадвал

Ёш гуруҳлари бўйича бирламчи ва иккиламчи КМП нинг учраш даражаси, сонда ва фоизларда.

Йош гуруҳлари	≤ 19	20-29	30-39	40-49	50-59	60-69	70 ≤	Жами
Бирламчи	2	3	4	29	11	2	-	51
Фоизи	3,9%	5,9%	7,8%	56,9%	21,6%	3,9%		100%
Иккиламчи	-	3	1	4	2	2	1	13
Фоизи		23,1%	7,7%	30,7%	15,4%	15,4%	7,7%	100%

Юракни макроскопик ўрганиш ва кесиб қисмларга ажратиш (Г.Г. Автандилов, А.И. Тюкова усули). Дастлаб перикард кесилиб, очилиб, бўшлиғида суюқлик бор ёки йўқлиги ўрганилади. Юрак ажратиб олинади ва аорта асосида юрак чўққисигача бўлган юрак узунлиги, қоринчалар асоси қисмида юрак эни ва қалинлиги ўлчанади. Кўз билан синчиклаб кўриш асосида юрак шакли аниқланади. Юрак қопқоқлари функционал ҳолати Фагерланд пробаси билан текширилади, яъни қон оқими бўйича сув йўналтирилади ва оқиб чиқишига қараб қопқоқчанинг ҳолати аниқланади. Юрак қоринчалари ва бўлмачалари қон оқими бўйича тож томирларни шикастламасдан кесилади. Дастлаб, ўнг бўлмача кесилади ва қайчи учини ўнг қоринчага киритиб, қоринчалар оралиғи деворининг ўнг томонидан юрак чўққисигача кесилади. Иккинчи навбатда чап бўлмача девори қоринчалар

оралиғи деворига қараб кесилади, қайчи учини чап қоринчага киритилади ва қоринчалар оралиғи девори бўйлаб чап қоринча девори чўққисигача кесилади. Натижада юрак уч қисмга бўлинади: ўнг қоринча девори, чап қоринча девори ва қоринчалар оралиғи девори. Юрак кесилгандан кейин сўрғичсимон мушаклар ҳолати ўрганилади. Қоринчалар ёнбош девори қалинлиги ва қоринчалар оралиғи девори ўрта қисмида ўлчанади. Кейин, қоринчалар кенгайган ёки торайган ҳолатини митрал қопқоқча фиброз халқасидан чап қоринча чўққисигача, уч табақали қопқоқ фиброз халқасидан юрак чўққисигача ўлчанади. Бу ўлчамлар асосида қоринчаларнинг тоноген ва миоген дилатацияси баҳоланади. Юрак бўлақларидан қон лахталари олиб ташланиб, тарозида ўнг қоринча девори алоҳида, чап қоринча девори алоҳида ва қоринчалар оралиғи девори алоҳида ўлчанади. Ушбу ўлчамлар ёрдамида “қоринча индекси” ва юрак индекси аниқланади. Қоринча индекси – ўнг қоринча вазнининг чап қоринча вазнига нисбати, юрак индекси – юрак умумий вазнининг тана вазнига нисбати ҳисобланади. Чап қоринча ўртача 150гр, ўнг қоринча 70 гр. Қоринча индекси – 0,4-0,6, юрак индекси 0,004-0,006, қоринча индекси 0,6 дан кўп бўлса ўнг қоринча гипертрофияланган, агар 0,4 кам бўлса чап қоринча гипертрофияланган ҳисобланади. Макроскопик жиҳатдан ўрганилиб, кесилиб, қисмларга ажратилган юракнинг ўнг ва чап қоринчалар деворидан, бўлмачалар деворидан гистологик текширувга 1,5x0,5 см бўлақчалар кесиб олинди ва формалиннинг 10% эритмасида 72 соат қотирилди, концентратсияси ошиб борувчи спиртларда сувсизлантирилган кейин, парафинга қуйилди. Парафинли ғиштчалардан 5-7 мкм қалинликдаги гистологик кесмалар тайёрланиб, гематоксилин-эозинда, коллаген толаларни аниқлаш учун ван-Гизонда, эластик толаларни Вейгерт усулида бўйаб аниқланди.

Диссертациянинг учинчи боби «**Бирламчи КМП касаллар ёшлари бўйича учраш даражаси ва клиник-анамнестик белгилари**» деб номланган учинчи бобнинг биринчи қисмида бирламчи КМПнинг клиник-анамнестик тавсифи текширувлари таҳлили келтирилди. Клиник-анамнестик маълумотларни ўрганиш шуни кўрсатдики, КМП касалликларида клиник жиҳатдан қуйидаги белгилар кўп учрайди: юрак соҳасида сиқувчи оғрик, физик ҳаракатда пайдо бўлади, иррадиация бермайди, 5-7 минут кейин ўзи тўхтайдиган; физик ҳаракатда нафас қисиш; сиқилувчи бош оғриғи; қон босимининг кўтарилиши 160/110 мм с.у.; ритм бузилган юрак уриши, қулоқда шовқин. Наслий анамнези: ота-онасида гипертрофия касаллиги, қандли диабет.

Бирламчи КМПларнинг асосий клиник-морфологик формаларининг клиник-анамнестик маълумотлари таҳлили қуйидагича бўлиб чиқди:

дилатацион КМП ҳолатларида клиник жиҳатдан касаллар физик ҳаракатда нафас бўғилиш, юрак соҳасида узоқ давом этадиган сиқувчи оғрик, юрак ишининг ҳар замонда тўхташ хавфини пайдо қиладиган ишлаши кўринишидаги шикоятлар билан касалхонага тушишган. Кўпчилигининг анамнезида алкогольга берилувчанлик аниқланди. Алкогол истеъмол

қилгандан кейин нафас қисиши, ҳолсизлик, бош айланиши, оёқларда шиш пайдо бўлиши кузатилган. Клиник-лаборатор текширувда: Эхо-КГ да миокардда ўчоқли, айрим ҳолларда диффуз интерститсиал ўзгаришлар, миокард қисқаришининг бузилиши, кучли митрал ва уч табақали қопқоқлар етишмаслиги аниқланган. ЭКГда кўпинча синусли ритм, пулс 60 атрофида, юрак электрик ўқи чап томонга сурилгани, миокардда метаболик ўзгаришлар аниқланади. Айримларининг наслида қариндошларининг айримларида КМП бўлганлиги қайд қилинган. Ўпка артерияси гипертензияси қайд қилинган. Кўпинча гипотония кузатилган, АБ – 80/60 – 90/60 мм с.у. бўлган.

Ҳаёт анамнезида айрим касалларда вирусли гепатит В ва С аниқланган, бошқаларида жароҳатлар, операция, артериал гипертензия, қандли диабет ва айримларида аутоиммун касалликлар мавжудлиги қайд қилинган.

Дилатацион КМПни тўғри диагностика қилиш учун қуйидаги текширувлар ўтказиш керак: аускултатсияда – юрак уришининг тезлашиши, галоп ритми, митрал ва уч табақали қопқоқда шовқин, нафас тезлашиши, ўпкада хириллашлар; ЭКГда – юрак чап қоринча ва бўлмачаси ишининг кучайиши, ўтказувчанлигининг бузилиши, атриовентрикуляр блокда; ЭхоКГда – юрак етишмаслиги; рентгенда ўпка артерияси гипертензияси, юрак ҳажмининг катталашиши аниқланади.

ГКМП ген мутациясига асосланган чап қоринча миокардининг симметрик ёки асимметрик гипертрофияси билан кечадиган касаллик. Бизнинг материалимизда ГКМП асосий симптоми сифатида касалларда клиник жиҳатдан ҳушдан кетиш (обморок) кузатилган. Бу касаллик ривожланишида клинисистлар томонидан аритмия ҳолатлари, яъни атриовентрикуляр блокда, қоринча пароксизмал тахикардияси ва қонни кам отиб бериш синдроми белгилари кўрсатилган. Юрак соҳасида ҳар хил турдаги оғриқлар кузатилган. Юрак ҳажми катталашиши ва миокард гипертрофияси ҳисобига тож артериялар етишмаслиги кўпинча бир томонлама қоринчада кузатилган. Қоринчаларнинг диастоласида бўшлиғнинг тўлмаслиги ҳолати аниқланган. ГКМП клиник белгиларидан асосийси аритмия синдроми бўлган. Кўпинча атриовентрикуляр аритмия, қоринчалар пароксизмал тахикардияси ва суправентрикуляр аритмия аниқланган. ЭКГда чап қоринчанинг типик гипертрофияси аниқланади. Кўпинча патологик Қ тишча ва Р тишчанинг ўсиши, ГКМП юрак чўққиси формасида йириклашган Т тишча аниқланган. ЭхоКГ да қоринчалар оралиғи девори қалинлашиши, чап қоринча орқа девори қалинлигининг қоринчалар оралиғи деворига нисбати бузилиши кузатилган.

Демак, ГКМП ҳолатларининг клиник-анамнестик маълумотларини ўрганишда айрим ўзига хос белгилар аниқланди. ГКМП билан касалланганларда оилавий анамнез йўқлиги кузатилди. Юрак соҳасидаги кардиалгия ишемияга боғлиқ эмаслиги аниқланади. Аритмик синдром доимо бўлганлиги ва юрак диастоласи сусайганлиги кузатилади. ГКМП баъзида артериал гипертензия билан бирга келади.

Рестриктив КМПга хос белгилари, бу – миокард эластиклиги бузилиши оқибатида юрак диастолик функцияси бузилиши, бу эса касалликнинг абсолют мезони, қон айланишининг рестриктив ҳолатга ўтиши ҳисобланади. Касалликнинг илк босқичларида миокардда эозинофил инфилтратсия,

кейинги босқичларида – интерстициал фиброз ва эндокарднинг қалинлашиши кузатилади.

Хусусий материал таҳлили шуни кўрсатдики, рестриктив КМП ҳолатларининг клиник-анамнестик маълумотлари таҳлил қилинганда қуйидагилар аниқланди. Асосий клиник жиҳатдан касалларни безовта қилиши, бу тез чарчаш, юрак тез уриши, нафас бўғилиши каби белгилар бўлиб чиқди. Бу касаллик ташхисини аниқлаш морфологик текширувга боғлиқ, яъни юракдан биопсия олиб, ундаги эозинофил инфильтрация ва фиброзни топиш ҳисобланади. Айрим касалларда юрак қоринчалари дилатацияси, трабекулаларининг гипертрофияси, систолик дисфункция аниқланган. Ёши катта одамларда РКМП юрак ишемик касаллиги, қандли диабет ва склеродермия билан бирга кечганлиги аниқланди. Битта ҳолатда РКМП 22 ёшли кишида ривожланган бўлиб, унда бир вақтнинг ўзида метаболитлар тўпланиш касаллиги билан бирга давом этганлиги аниқланган. Яна бир ҳолатда РКМП узоқ вақт давом этувчи тахикардия билан намоён бўлган. ЭхоКГда юрак миокарди интерстициал тўқимасининг дисплазияси, хордалар ва қопқоқлар табақаларининг фиброзланиши аниқланган. МРТда юрак қоринчалари оралиғи деворида тарқоқ ҳолдаги интрамурал фиброз аниқланган. Касаллар анамнези кўриб чиқилганда РКМП билан касалланганлар қариндош - уруғларининг айримларида юракдан тасодикий ўлим, юрак туғма нуқсонлари мавжудлиги аниқланган.

Учинчи бобнинг иккинчи қисми «**Иккиламчи КМП касаллар ёшлари бўйича учраш даражаси ва клиник-анамнестик ва морфологик белгилари**» деб номланади. Биз таҳлил қилган материалда иккиламчи КМПнинг қуйидаги шакллари аниқланди: перипортал КМП – 1 (7,7%), алкоғолли КМП – 4 (30,7%), дори-дармонли КМП – 2 (15,4%), постмиокардитли КМП – 2 (15,4%), метаболик – 3 (23,1%), аутоиммун – 1 (7,7%).

Туғруқдан кейинги кардиомиопатия (090.3) Перипортал КМП. Диагностик мезонлари: безовта қиладиган белгилар - нафас қисиши, йўтал, қон тупириш, кўкрак қафасида оғриқ (кардиалгия, торакоалгия, ангинозли), чарчок, ҳолсизланиш, физик ҳаракатга толерантлик пасайиши, юрак уриши, вазнининг тўсатдан ошиши, диурезнинг камайиши, ўнг қовурға остида оғриқ, оёқларда шишлар кузатилади. Анамнезида қуйидагиларга эътибор бериш керак: тез-тез туғиш, эгизаклар туғиш, чекиш, қандли диабет, гипертензия, прееклампсия, селен етишмовчилиги (меъда-ичак касалликлари, селен етишмовчилик ҳудудлари), ёши 30дан ошганлар, β-агонистларни узоқ вақт қабул қилиш (салбутамол, салметерол, формотерол ва бошқ.).

Объектив текширувдаги белгилар: тахипное, ортопноное, ўпкада шишлар, юрак уриши, 3- ва 4- юрак галоп тонлари пайдо бўлиши, бўйин веналарининг кенгайиши, гепатомегалия, шишлар, 2-тоннинг ўпка артерияси устида аксенти, митрал ва уч табақали қопқоқларда систолик шовқин, асцит, веналар ва артериялар тромбоемболияси. Лаборатория маълумотлари: ўтқир фазада тропониннинг кўтарилиши, қон плазмасида тропонин микдорининг кўтарилиши, натрийуретик пептид-В-типи кўтарилиши. ЭКГда: синусли тахикардия, бўлмачалар фибриллятсияси, қоринча экстрасистолияси, Гис тутами ўнг оёқчасининг блокадаси, СТ ва Т тишларда

носпетсификўзгаришлар, патологик Қ тишча пайдо бўлиши. ЭхоКГда юрак барча бўшлиқларининг кенгайиши, чап қоринчанинг систолик функцияси пасайиши, атриовентрикуляр қопқоқ етишмовчилиги, перикардда сув, қоринчалар тромбози аниқланади. МРТда: қоринчалар кенгайиши, миокард қисқаришининг бузилиши, қоринчаларда тромблар аниқланиши кузатилади.

Алкоголли КМП патогенези миокардга узоқ вақт алкоголь ва унинг заҳарли метаболити ацеталдегиднинг таъсири ҳисобланади. Бу моддалар миокард хужайралари метаболизмини бузади, оқсиллар синтезини ишдан чиқаради, хужайраларнинг ситоскелети бузилади, ўтказувчан йўллар шикастланади, ёғ алмашинуви издан чиқади, кислороднинг фаол радикаллари кўпаяди, алкоголь таркибидаги оғир металллар таъсир кўрсатади. Алкоголли КМП диагностикасида анамнези эътиборга олинади. ЭКГда СТ тишчанинг депрессияси, Т тиш амплитудаси пасайиши, Қ патологик тишча пайдо бўлиши, юрак ритми ва ўтказувчанлиги бузилиши кузатилади. ЭхоКГда барча қоринчалар дилатацияси, иккала қоринчалар миокарди қисқарувчанлиги бузилиши, митрал ва атриовентрикуляр регургитация, ўпка артерияси гипертензияси, диастолик дисфункция, юрак бўшлиқларида тромблар бўлиши ва чап қоринча гипертрофияси аниқланади. Алкоголли КМПда 43% касалларни юрак соҳасидаги сиқувчи оғриқ безовта қилади, 33% да кўкрак қафасида оғирлик, 10% да юрак чўққисида санчикли оғриқ кузатилади.

Хусусий материалмизда учраган метаболит КМПда клиник-анамнестик маълумотларни ўрганиш натижасида қуйидагилар аниқланди: асосий клиник белгилари сифатида иш қобилятининг камайиши, кучли чарчаш ва ҳолсизланиш, юрак соҳаси ва кўкрак орқасида оғриқлар, аритмияли юрак уриши, юрак ўлчамларининг катталаниши, тонларнинг хираланиши, систолик шовқин пайдо бўлиши, юрак етишмовчилиги ривожланиши кузатилди. ЭКГда юрак ўтказувчи йўллари дисфункцияси, яъни СТ тишчанинг депрессияси, Т тишнинг ўсиб катталаниши кузатилади.

Миокардитдан кейинги КМП – бу юрак миокардининг инфекция, аллергия ва токсик омиллар таъсирида яллиғланиш касаллиги ҳисобланади. Ривожланиш механизми қуйидагича, яъни патоген омиллар миокардга инвазияланиб, репликацияланиб, уларнинг токсинлари таъсирида миокард интерститсийсида яллиғланиш ривожланади. Кўпинча ёшлар касалланади, ҳар хил турдаги кардиалгия, астеник синдром, нафас қисиши ва юрак уриши ривожланади. Гемодинамиканинг бузилиши оқибатида бош оғриғи, оёқ-қўлларда оғриқ ва юрак уриши тезлашади. ЭКГда Гисс тутамларининг блокланиши, инфарктга ўхшаш ўзгариш, миокард ишемияси кузатилади. Лаборатор текширувда лейкоцитоз, баъзида лейкопения, СОЕ ошиши, С-оқсилнинг ошиши кузатилади.

Диссертациянинг тўртинчи бобининг биринчи қисми «**Дилатацион КМПнинг патоморфологияси**» деб номланади. Морфологик жиҳатдан ДКМП эксцентрик гипертрофия ва юрак бўшлиқларининг дилатацияси билан намоён бўлади. Одатда юракнинг чап қисми зарарланганлиги аниқланди, фақат айрим ҳолларда, яъни 1,7% да ўнг қоринча ўзгарганлиги кузатилди. Гистологик жиҳатдан тарқоқ ҳолда кардиомиоцитларга тарқалувчи ўзгаришлар, патологик Қ тишча пайдо бўлиши ва

ЭхоКГда юрак барча бўшлиқларининг кенгайиши, чап қоринчанинг систолик функцияси пасайиши, атриовентрикуляр қопқоқ етишмовчилиги, перикардда сув, қоринчалар тромбози аниқланади. МРТда: қоринчалар кенгайиши, миокард қисқаришининг бузилиши, қоринчаларда тромблар аниқланиши кузатилади.

Алкоголли КМП патогенези миокардга узоқ вақт алкоголь ва унинг заҳарли метаболити ацеталдегиднинг таъсири ҳисобланади. Бу моддалар миокард хужайралари метаболизмини бузади, оқсиллар синтезини ишдан чиқаради, хужайраларнинг ситоскелети бузилади, ўтказувчан йўллар шикастланади, ёғ алмашинуви издан чиқади, кислороднинг фаол радикаллари кўпаяди, алкоголь таркибидаги оғир металллар таъсир кўрсатади. Алкоголли КМП диагностикасида анамнези эътиборга олинади. ЭКГда СТ тишчанинг депрессияси, Т тиш амплитудаси пасайиши, Қ патологик тишча пайдо бўлиши, юрак ритми ва ўтказувчанлиги бузилиши кузатилади. ЭхоКГда барча қоринчалар дилатацияси, иккала қоринчалар миокарди қисқарувчанлиги бузилиши, митрал ва атриовентрикуляр регургитацияси, ўпка артерияси гипертензияси, диастолик дисфункция, юрак бўшлиқларида тромблар бўлиши ва чап қоринча гипертрофияси аниқланади. Алкоголли КМПда 43% касалларни юрак соҳасидаги сиқувчи оғриқ безовта қилади, 33%да кўкрак қафасида оғирлик, 10% да юрак чўққисида санчиқли оғриқ кузатилади.

Хусусий материалмизда учраган метаболит КМПда клиник-анамнестик маълумотларни ўрганиш натижасида қуйидагилар аниқланди: асосий клиник белгилари сифатида иш нинг камайиши, кучли чарчаш ва ҳолсизланиш, юрак соҳаси ва кўкрак орқасида оғриқлар, аритмияли юрак уриши, юрак ўлчамларининг катталаниши, тонларнинг хираланиши, систолик шовқин пайдо бўлиши, юрак етишмовчилиги ривожланиши кузатилди. ЭКГда юрак ўтказувчи йўллари дисфункцияси, яъни СТ тишчанинг депрессияси, Т тишнинг ўсиб катталаниши кузатилади.


